



## ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛУВЧИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ҲОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ

Худайбердиев Абдурашид Абдирасулович

Маъмурий ҳуқуқ кафедраси доценти ю.ф.б.ф.д (PhD) доцент

Ниматов Шерзод Ниматжонович

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси  
ўқитувчиси майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15078076>

### ARTICLE INFO

Received: 11th March 2025

Accepted: 18th March 2025

Published: 24<sup>th</sup> March 2025

### KEYWORDS

Маъмурий ҳуқуқ, маъмурий жавобгарлик, жамоат тартиби, жамоат хавфсизлиги, жамоат жойлари, алкоголь маҳсулоти, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, токсик моддалар, психоактив моддалар.

### ABSTRACT

МДХ давлатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси маъмурий қонунчилигидаги нормаларда инсон психикаси, онги ва иродасига кучли таъсир қилиб, ҳуқуқбузарликлар келтириб чиқариши мумкин бўлган алкоголь маҳсулоти, гиёҳвандлик, психотроп, токсик ёки бошқа психоактив моддаларни истеъмол қилганлик ҳолатлари учун жавобгарлик нормалари таҳлил қилинган ва Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодексини такомиллаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар берилган.

Бугунги кунда технологиялар шиддатли тарзда тараққий этиш натижасида фармакологик, хусусан, инсон асаб тизими, онги ва иродасига кучли таъсир қилувчи гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, токсик ҳамда бошқа психоактив моддаларнинг турли хилдаги аналоглари кўпайиб бормоқда. Ҳуқуқий демократик давлат тараққиётининг ривожини ўсиб келаётган авлоднинг таълим ва тарбия даржасига боғлиқ. Бунга эришиш учун эса аввало, жамият аъзоларининг, шу жумладан вояга етмаган ва ёшларнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий савияси юқори даражада бўлиши талаб этилади. Шу боисдан, вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлари профилактикасида таълим ва тарбия алоҳида ўринга эга.<sup>1</sup>

Алкоголь маҳсулоти, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари ёхуд токсик ва бошқа турдаги психоактив моддалар (келгусида гиёҳвандлик моддалари) марказий нерв системасининг руҳий марказларига таъсир кўрсатиб, эйфория (кайф) хиссини чақиради. Уларга нисбатан руҳий ва жисмоний тобелик пайдо бўлади. Агар, гиёҳванд керакли дозани қабул қилмаса: хуморлик ҳолати ҳосил бўлади, бош айланиши, диққат концентрациясининг пасайиши, дезориентация, фикрлашнинг секинлашуви, бош оғриғи, титроқ, хотиранинг сусайиши, депрессия, ҳаракатланиш координациясининг бузилиши, тушкун кайфият, бошқариб бўлмас ҳаракатлар, агрессив чақнаш, психомотор қўзғалишлар, қўрқув, суицидуал оғиш, мускуллар спазми, галюцинация, қўзғалувчанликни ортиши, асабийлашиш, хавфсираш,

<sup>1</sup> Ниматов Ш. Н. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳозирги кундаги долзарб масала сифатида // Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 1. – С. 136-140.

сийдикни ушлаб туриш ва шаҳват хиссининг бузилиши каби ҳолатлар пайдо бўлиши кузатилади. Алкоголь гиёҳванд моддалар мунтазам истимол қилиш борган сари улар организмнинг табиий метаболитлари қаторига кириб, биокимёвий жараёнларга аралашиб қолади ушбу маҳсулотларга жисмоний тобелик пайдо бўлиб, ўзи ва атрофдагиларга нисбатан адекват муносабати ҳамда инсонийлик қадр - қимматини йўқотадиган ҳолатга тушиб қолиши, тубанлик ботқоғига ботиши учун замин яратилади<sup>2</sup>.

Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни такомиллаштиришнинг айрим масалари ҳақида фикр юритар эканмиз, бу борада МДХ мамлакатлари, хусусан, Россия Федерацияси, Беларусь, Туркменистон ва Тожикистоннинг Республикаларининг “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар” Кодекси, шунингдек, Қирғизистоннинг “Ҳуқуқбузарликлар тўғрисида”ги, Озарбайжоннинг “Ножўя хатти - ҳаракатлар тўғрисида”ги кодексларида таъкидлаб ўтилган жамоат жойларида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, токсик ёки бошқа турдаги психоактив моддаларни қонунга ҳилоф равишда истеъмол қилганлик учун қандай жавобгарлик нормалари белгиланганлигини қиёсий таҳлил қилиш, ижобий жиҳатларини ўзлаштириш, жавобгарлик белгиланган нормаларни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқишга ёрдам беради.

“жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлиги ижтимоий муносабатларнинг ҳар хил тури бўлиб, улар ўртасида чамбарчас алоқадорлик мавжуд: ушбу гуруҳ муносабатларнинг ҳар бири бошқасининг мавжудлик шартидир. Бундан ташқари, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигининг мазмуни тегишли ижтимоий муносабатлар шахс ва жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларига кирадиган шахс шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши, жамият ва шахс тинчлигини ҳурмат қилинишини таъминлайдиган соҳага мос келади”<sup>3</sup>.

Россия Федерацияси “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида”ги кодексининг 20.20 моддасида<sup>4</sup>: “Жамоат жойларида маст қилувчи моддаларни яъни спиртли ичимликларни, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ёхуд потенциал хавфли психоактив моддаларни истеъмол қилганлик ҳаракатлари учун жавобгарлик белгиланган. Федерал қонунчилик билан тақиқланган жойлар<sup>5</sup> деганда, кўчалар, стадионлар, майдонлар, ҳиёбонлар, жамоат транспортлари ва бошқа жамоат жойлари назарда тутилади.

Беларусь Республикаси “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида”ги Кодексининг 19.3 моддасида<sup>6</sup>: “Жамоат жойларида алкоголь, таркибида кам миқдорда алкоголь бўлган ичимликларни ёки пиво, гиёҳвандлик воситалари, психотроп

<sup>2</sup> S.S. Azizova. Farmakologiya. -Toshkent: Yangi asr avlodi.-2006.

<sup>3</sup> Диссертация Худойбердиев Абдурашид Абдирасулович “Оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини маъмурий-ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш” 20- бет. 2020 й.

<sup>4</sup> Кодекс Российской Федерации от 20 декабря 2021 г. № 195-ФЗ “Об административных правонарушениях”. Глава 20, Статья 20.20 [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_34661](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34661).

<sup>5</sup> Закон Российской Федерации от 22 ноября 1995 г. № 171-ФЗ "О государственном регулировании производства и оборота этилового спирта, алкогольной и спиртосодержащей продукции и об ограничении потребления (распития) алкогольной продукции" пункт 7 ст.

<sup>6</sup> Кодекс Республики Беларусь от 6 января 2021 г. № 91-З “Об Административных Правонарушениях”. Глава 19, статья 19.3. <https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=НК2100091>.

моддалар ва уларнинг аналогларини истеъмола қилиш ёхуд жамоат жойларида ва иш жойларида маст ҳолатда юриш” маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унинг биринчи қисмига мувофиқ: “Жамоат жойларида алкоголь, таркибида кам миқдорда алкоголь бўлган ичимликлар ёки пиво, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларини истеъмола қилиш ёхуд жамоат жойларида ва иш жойларида маст ҳолатда инсон қадр-қимматини ҳақоратловчи ҳамда жамиятда тан олинган одоб - ахлоқ қоидаларини бузган тарзда ҳаракатланиш”, - ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлик санкциялари ўрнатилган.

Ўрганилаётган норманинг учинчи қисмига кўра: “Жамоат жойларида шифокор - мутахассис кўрсатмасисиз гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларини ёки токсик ёхуд бошқа маст қилувчи воситалардан мастлик ҳолида инсон қадр - қимматини ҳақоратловчи ҳамда жамиятда тан олинган одоб - ахлоқ қоидаларини бузган тарзда намоён бўлиши, шунингдек, ушбу моддаларни истеъмола қилиш оқибатида келиб чиқадиган ҳолатни аниқлаш учун белгиланган тартибда экспертиза ўтказишдан бош тортганлик учун жавобгарлик келиб чиқиши ҳақида огоҳлантирилган. Қиёсланаётган норманинг тўртинчи қисмида: “Иш жойига, иш вақтида шифокор - мутахассис кўрсатмасисиз гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларини ёки токсик ёхуд бошқа маст қилувчи воситаларини истеъмола қилиш натижасида келиб чиқадиган мастлик ҳолида келиш, шунингдек, ушбу моддаларни истеъмола қилиш оқибатида келиб чиқадиган ҳолатни аниқлаш учун белгиланган тартибда экспертиза ўтказишдан бош тортганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Қирғизистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар тўғрисида”ги кодексининг 81 - моддасида<sup>7</sup>: “Жамоат жойларида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни, шунингдек, спиртли ичимликларни истеъмола қилиш”,-ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлик белгиланган. Унга кўра: кўчаларда, стадионларда, ҳиёбонларда, жамоат транспортларида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни, шунингдек, спиртли ичимликларни истеъмола қилиш ҳамда жамоат жойларида маст ҳолатда, инсонийлик қадр - қимматини ҳақоратловчи ҳолда ҳамда жамиятда тан олинган одоб-ахлоқ қоидаларини бузган тарзда намоён бўлганлиги учун жавобгарлик белгиланган. Озарбайжон Республикаси “Маъмурий ноҳўя хатти - ҳаракатлар тўғрисида”ги Кодексининг 206 - моддасида<sup>8</sup>: “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний истеъмола қилиш, сотиш мақсадисиз тайёрлаш, сотиб олиш, ўтказиш мақсадини кўзламаган ҳолда ташиш ёки жўнатиш”, - ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу модданинг биринчи қисмида: “Гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ноқонуний истеъмола қилиш, сотиш мақсадини кўзламаган ҳолда тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш”,- ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлик белгиланган. Шунингдек, ушбу кодекснинг 207 - моддасида эса, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни ташиганлиги ёки истеъмола қилганлиги ёхуд уларни истеъмола қилиш натижасида келиб чиқувчи мастлик ҳолатини аниқлашга қаратилган тиббий текширувдан бўйин товлаганлик ҳолатлари учун жавобгарлик ўрнатилган.

Туркманистон Республикаси “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида”ги Кодексининг 82 моддасида<sup>9</sup> “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки таркибида трамадол

<sup>7</sup> Кодекс Киргизской Республики от 13 апреля 2017 г. №114 <<О нарушениях>> Раздел V, Глава 15, Статья 81. <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111565?cl=ru-ru>.

<sup>8</sup> Кодекс Азербайджанской Республики от 29 декабря 2015 г. “Об административных проступках”, глава 22, статья 206. [https://online.zakon.kz/Document/?Doc\\_id=36865427&pos=244;-3pos2244;-3](https://online.zakon.kz/Document/?Doc_id=36865427&pos=244;-3pos2244;-3).

<sup>9</sup> Кодекса Туркменистана об административных правонарушениях, глава 9, статья 82.

гидрохлорид (бошқа трамадол маҳсулотлари) ёки бошқа психофаол моддалар бўлган дори воситаларининг ноқонуний айланиши”,-хуқуқбузарлиги учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, ушбу модданинг 1-қисмига мувофиқ, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, оз миқдорда қонунга хилоф равишда олиш, сақлаш, шунингдек уларни истеъмол қилганлик учун санкциялар ўрнатилган.

Ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ: Таркибида трамадол гидрохлориди (бошқа трамадол препаратлари) ёки бошқа психофаол моддалар бўлган, шифокор кўрсатмаси бўйича чиқарилиши керак бўлган дори воситаларини сотиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни истеъмол қилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Қиёсланаётган модданинг учинчи қисмида, айна модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган дори воситаларини сотиш мақсадини кўзлаб, оз миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек, уларни сотганлик учун жазо чоралари кўрилиши тўғрисида норма киритилган.

Бундан ташқари модданинг эслатма қисми ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар, таркибида трамадол гидрохлориди (бошқа трамадол маҳсулотлари) ёки бошқа психоактив моддаларнинг миқдори Туркменистон қонун ҳужжатлари билан белгиланиши, агар шахс гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, шунингдек, психоактив моддаларни ўз хоҳиши билан топширса ушбу моддада белгиланган жавобгарлигидан озод этилиши ҳақида таъкидланган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган Россия Федерацияси қонунчилигида “янги турдаги потенциал хавfli психоактив моддалар”, Беларусь Республикаси қонунчилигида эса “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари ёки токсик ёхуд бошқа маст қилувчи воситалар” тушунчалари жуда ҳам кенг қамровли маънога эга бўлиб, улар нафақат қонун ҳужжатлари билан реализация қилиши чекланган психоактив моддаларни, балки реализацияси қонун билан чекланмаган аммо, инсон психикасига жиддий таъсир қилувчи, шунингдек, келажакда яратилиши мумкин бўлган психоактив моддаларни ҳам истеъмол қилинганлик учун жавобгарликни келтириб чиқаради. Бу билан келгусида қонунчиликни қўллашда вужудга келиши мумкин бўлган бўшлиқлар келиб чиқишининг олди олинган. Бундан ташқари, Россия Федерацияси, Беларусь ҳамда Қирғизистон Республикалари маъмурий қонунчилигида гиёҳвандликни келтириб чиқарувчи моддалар билан бир қаторда алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланган. Бундан фарқли равишда Озарбайжон Республикаси қонунчилигида гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш билан бир қаторда, уларни истеъмол қилиш, сотиш мақсадини кўзламаган ҳолда тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш, ташиш ва жўнатганлик ҳаракатлари учун, Туркменистон Республикасида эса ушбу моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, оз миқдорда қонунга хилоф равишда олганлик ва сақлаганлик ҳаракатлари учун ўзига хос тарзда жавобгарлик нормалари белгиланган. Шунингдек, Россия Федерацияси қонунчилигида ўн олти ёшга тўлмаган шахснинг психоактив моддаларни истеъмол қилиши уларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни жаримага тортиш натижасида ота-онанинг ёш авлод тарбияси учун масъулиятини оширишга қаратилган.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 12 ноября 2015 г. № 330 «О совершенствовании порядка ввоза, вывоза и транзита через территорию республики Узбекистан наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров,

- а также контроля за их оборотом», Приложение № 6, Список III, Наименование психотропного вещества №65 <https://www.lex.uz/docs/2815342>
2. Фенозепам, инструкция по применению. [https://www.vidal.ru/drugs/phenazepam\\_45179#contra](https://www.vidal.ru/drugs/phenazepam_45179#contra)
3. Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 12 ноября 2015 г. № 330 «О совершенствовании порядка ввоза, вывоза и транзита через территорию республики Узбекистан наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров, а также контроля за их оборотом», Приложение № 5, Список II наркотических средств, оборот которых в Республике Узбекистан ограничен №45 <https://www.lex.uz/docs/2815342>
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2001 йил 29 декабр кундаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш, бериш, сотиш, тақсимлаш, ҳисобга олиш шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи билан тасдиқланган “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш, бериш, сотиш, тақсимлаш, ҳисобга олиш шартлари тўғрисида”ги Низом 2§, 29 банд <https://lex.uz/docs/803838>
5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., Ўзбекистон. 2021.
6. Диссертация. Худойбердиев Абдурашид Абдирасулович “Оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини маъмурий-ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш” 20- бет. 2020 й.
7. Кодекс Российской Федерации от 20 декабря 2021 г. № 195-ФЗ “Об административных правонарушениях”. Глава 20, Статья 20.20 [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_34661/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34661/)
8. Закон Российской Федерации от 22 ноября 1995 г. № 171-ФЗ “О государственном регулировании производства и оборота этилового спирта, алкогольной и спиртосодержащей продукции и об ограничении потребления (распития) алкогольной продукции” пункт 7 ст.
9. Кодекс Республики Беларусь от 6 января 2021 г. № 91-3 “Об Административных Правонарушениях”. Глава 19, статья 19.3. <https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=HK2100091>
10. Кодекс Киргизской Республики от 13 апрель 2017 г. №114 <<О нарушениях>> Раздел V, Глава 15, Статья 81. <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111565?cl=ru-ru>
11. Кодекс Азербайджанской Республики от 29 декабря 2015 г. “Об административных проступках”, глава 22, статья 206. [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=36865427&pos=2244;-3#pos=2244;-3](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=36865427&pos=2244;-3#pos=2244;-3)
12. Кодекса Туркменистана об административных правонарушениях, глава 9, статья 82 .
13. Nimatjonovich N. S. VOYAGA YETMAGANLAR TOMONIDAN SODIR ETILAYOTGAN HUQUQBUZARLIKLAR VA UNING PROFILAKTİKASINI AMALGA OSHIRISHDA VUJUDGA KELAYOTGAN MUAMMOLAR //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 17. – С. 22-27.
14. Ниматов Ш. Н. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳозирги кундаги долзарб масала сифатида //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 1. – С. 136-140.